

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 5 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 7, НОМЕР 5

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 7, ISSUE 5



СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА | INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№5 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2024-5>

Бош муҳаррир:
Тўхтасинов Илҳом
п.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Главный редактор:
Тухтасинов Илхом
д.п.н., профессор (Узбекистан)

Заместитель главного редактора:

Editor in Chief:
Tuhtasinov Ilhom
DSc. Professor (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддиқова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Туробов Бекпулат
масбул котиб, PhD, доцент
(Ўзбекистон)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Назаров Бахтиёр
академик. (Узбекистан)

Якуб Умар оглы
д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Куренов Рахыммамед
к.ф.н. (Туркменистан)

Кристофер Джеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Балтабоев Ҳамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дустмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Сиддиқова Ирода
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Шиукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Туробов Бекпулат
отв. секретарь, PhD, доцент
(Узбекистан)

EDITORIAL BOARD

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Turobov Bekpulat
PhD Ass. prof. Senior Secretary
(Uzbekistan)

PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000


1. Urazaliyeva Mavluda Yangiboyevna O‘ZBEK TILI AUDIOKORPUSI UCHUN PRAATNING FUNKSIONAL IMKONIYATLARI.....	5
2. Kuchkorov Khoshimjon Khasanzoda SOME CONSIDERATIONS ON THE UZBEK TRANSLATION OF THE WORK OF THE ALCHEMIST (ON THE EXAMPLE OF THE TRANSLATION OF AKHMAD OTABOY).....	11
3. Ergashev Mirsaid Baxtiyor o‘g‘li SEMANTIC FEATURES OF THE CONCEPT OF “LOVE-MUHABBAT” IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES.....	18
4. Eshboltayev Bobur Jo‘rayevich BOLALAR REKLAMA MATNLARINING PSIXOLINGVISTIK XUSUSIYATLARI.....	23
5. Qurbonova E‘zoza HUQUQSHUNOSLIKKA DOIR TERMINLARNING SEMANTIK XUSUSIYATLARI VA ULARDA POLIFUNKSIONALLIK MASALASI.....	27
6. Abduxamidova Dilafruz Abduxabirovna TILNING TAFAKKURGA TAFAKKURNING TILGA TA‘SIRI.....	33
7. Usmonova Zarina Habibovna THE UNIQUE ASPECTS OF TRANSLATION IN ENGLISH SCIENCE FICTION.....	38
8. Valieva Noiba Abbasxonovna TIL VA JAMIYAT O‘RTASIDAGI UZVIY BOG‘LIQLIK XX ASR DOLZARB MASALASI SIFATIDA.....	43
9. Dilorom Ikramovna Hakimova “NAFS” KONSEPTINING LINGVOPRAGMATIK TAVSIFI VA TASNIFI.....	49
10. Xasanova Shaxzoda FE‘L FRAZEOLOGIZMLAR TARJIMASI.....	54
11. Ойбек Бектемирович Абдимўминов БМТ ИСЛОХОТЛАРИ: СИЁСИЙ ҚАРАШЛАР, НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА АМАЛИЙ ТАШАББУСЛАР.....	60
12. Хасанова Феруза Мирзабековна, Ахмедов Нодирбек Алиевич ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕВОДА С КИТАЙСКОГО ЯЗЫКА.....	67
13. Усманова Салиха Юлдашевна, Мирзаева Шахло Ризаевна ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ СОСТАВА И СТРОЕНИЯ РУССКОГО И УЗБЕКСКОГО СЛОВА ПРИ ИЗУЧЕНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА СТУДЕНТАМИ НАЦИОНАЛЬНЫХ ГРУПП.....	74
14. Saidvaliyev Farrukh Saidakramovich, Subkhanova Aziza Khabibulla kizi ROLE OF ANTIDEPRESSANTS IN REDUCING THE FREQUENCY AND DURATION OF MIGRAIN HEADACHES.....	80
15. Ишанкулова Нилуфар Ташкентовна HEMIS TILI FEЬЛЛАРИНИНГ АКЦИОНАЛ ТАСНИФИ.....	85
16. Jabborova Dilafruz Ismatullo kizi USING DIGITAL TECHNOLOGIES TO ENHANCE FINANCE STUDENTS’ WRITING COMPETENCE.....	91
17. Jo‘raqulova Mushtariy O‘ZBEK TILI PARALLEL KORPUSINING LINGVISTIK TA‘MINOTI.....	94
18. Maftuna Kamarova Umar qizi KOREYS TILI O‘QITUVCHILARINING O‘QISH KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHDA FLIPPED LEARNING TEXNOLOGIYASINING O‘RNI.....	99

19. Shoxida Ulugova Shoxruxovna LISONIY OBRAZ YARATISHDA DISKURSNING KOGNITIV-SEMANTIK VAZIFASI.....	104
20. Рашидова Камила Ахмаджонова ЗАРОЖДЕНИЕ СОВРЕМЕННОЙ ДЕТСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ ЯПОНИИ.....	109
21. Тошбекова Дилором Исмоиловна, Халимова Нодира Бахронкуловна РУССКАЯ ФРАЗЕОЛОГИЯ И КУЛЬТУРНЫЙ КОНТЕКСТ: АНАЛИЗ УСТОЙЧИВЫХ ВЫРАЖЕНИЙ, ПОСЛОВИЦ И ПОГОВОРК, ИХ ПРОИСХОЖДЕНИЕ, РАЗВИТИЕ И РОЛЬ В СОВРЕМЕННОЙ КОММУНИКАЦИИ.....	116
22. Bakhronova Dilrabo Keldiyorovna, Umirova Dilnoza PRAGMATIC FEATURES OF PHRASES IN IAN MCEWAN’S NOVELS.....	120
23. Ikramova Kamola Shuhratovna THE IMPORTANCE OF MYTHOLOGIES, ARCHETYPES, AND MYTHIC UNITS IN THE CREATION OF A FEMALE IMAGE IN NOVELS “PRIDE AND PREJUDICE” BY JANE AUSTEN AND “O’TGAN KUNLAR” BY ABDULLAH QODIRIY.....	124
24. Buranova Madina Uktamovna, Ruziyeva Umida Abryukul kizi SEMANTIC AND PRAGMATIC ANALYSIS OF ANTHROPOCENTRIC IDIOMS IN CONTEMPORARY ENGLISH LITERATURE.....	129
25. Ergashova Baxora Sayfillo qizi ITALYAN XALQ ERTAKLARINING TARIXIY TARAQQIYOTI.....	136
26. Muhtarova Nigina THE USE OF AUTHENTIC VIDEO MATERIALS TO IMPROVE LANGUAGE LEARNING THROUGH COMMUNICATIVE TEACHING.....	141
27. Bayonkhanova Iroda Furkatovna KOREYS TILINI O’RGANISHDA MAQOLLARDAN FOYDALANISHNING AFZALLIKLARI.....	151
28. Ergashev Mirsaid Baxtiyor o’g’li SEMANTIC FEATURES OF THE CONCEPT OF “LOVE-MUHABBAT” IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES.....	157
29. Рашидова Камила Ахмаджонова ЗАРОЖДЕНИЕ СОВРЕМЕННОЙ ДЕТСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ ЯПОНИИ.....	162
30. Ikromova Nigina Oybekovna THE EFFECT OF COGNITIVE LOAD ON THE TRANSLATOR: THE ROLE OF PSYCHOLINGUISTIC PROCESSES IN TEXT TRANSLATION.....	169
31. Эргашева Дилноза Тохировна АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕВОДА.....	175
32. Nasiba Azizova THE CONCEPT OF LINGUISTIC PERSONALITY IN THE WORKS OF ALISHER NAVOI.....	180



Ойбек Бектемирович Абдимўминов,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим

БМТ ИСЛОҲОТЛАРИ: СИЁСИЙ ҚАРАШЛАР, НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА АМАЛИЙ ТАШАББУСЛАР

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.14799708>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада БМТ ислохотларининг юзага келиши, сабаблари, зарурияти, ислохотларни амалга ошириш бўйича турлича сиёсий қарашлар, назарий ёндашувлар ҳамда бу борадаги амалий ташаббуслар ёритиб берилган. Хусусан, БМТ ва унинг тузулмаларини ислох қилиш эволюцияси, диниамикаси ва натижалари, шунингдек, бу масалага оид экспертлар, олимлар, сиёсатшуносларнинг қарашлари ва ёндашувлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: БМТ, ихтисослашган муассасалар, ислохотлар, Хавсизлик кенгаши, БМТ Низоми, сиёсий қарашлар, аъзо давлатлар.

Ойбек Бектемирович Абдимуминов,
Доктор философии (PhD) по историческим наукам,
старший научный сотрудник

РЕФОРМЫ ООН: ПОЛИТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ, ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ИНИЦИАТИВЫ

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещены возникновение реформ ООН, причины, необходимость, различные политические взгляды, теоретические подходы и практические инициативы в этом отношении. В частности, анализируются эволюция, динамика и результаты реформирования ООН и ее структур, а также взгляды и подходы экспертов, ученых и политологов по этому вопросу.

Ключевые слова: ООН, специализированные институты, реформы, Совет Безопасности, Устав ООН, политические взгляды, государства-члены.

Oybek Bektemirovich Abdimuminov,
Doctor of Philosophy (PhD) in Historical Sciences,
Senior Research Fellow

UN REFORMS: POLICY VIEWS, THEORETICAL APPROACHES AND PRACTICAL INITIATIVES

ABSTRACT

This article highlights the emergence of UN reforms, their causes, necessity, various political views, theoretical approaches and practical initiatives in this regard. In particular, it analyzes the evolution, dynamics and results of the UN and its structures reform, as well as the views and

approaches of experts, scholars and political scientists on this issue.

Keywords: UN, specialized institutions, reforms, Security Council, UN Charter, political views, member states.

1. Долзарблиги. БМТ замонавий халқаро муносабатлар шароитида ҳам бутун дунёда халқаро муаммолар ечимига турли ёндашувлар ва ечимлар кўрсатадиган ягона унверсал глобал ташкилот мақомини сақлаб қолди. Шунингдек, ташкилотга жаҳон мамлакатларининг жуда кўпчилиги аъзолиги ҳамда ўз сиёсий қарашларини ифода этадиган халқаро марказ бўлганлиги унинг муҳимлигини асослайди. Шунга қарамай инсоният тарихида XX аср охири ва XXI аср бошларида содир бўлган кескин сиёсий жараёнлар ва воқеликлар БМТ фаолиятини ислоҳ қилиш заруратини юзага келтирди. БМТни ислоҳ этиш тўғрисидаги дастлабки ғоя ва фикрлар XX асрнинг 80-йиллари охири ва 90-йиллари бошларида вужудга кела бошлаган бўлса ҳам ва ҳозиргача давом этаётган жараён бўлиб, у ташкилотнинг самарадорлигини, вакилликни ва глобал муаммоларга жавоб бериш қобилиятини оширишга қаратилган.

2. Методлар: Мақолада келтирилган фактларни таҳлил қилишда ҳамда билдирилган фикрларни аргументлашда тарихийлик, қиёсий таҳлил, фанлараро ёндашув каби методлардан фойдаланилган.

3. Тадқиқот натижалари. БМТ фаолиятини ислоҳ қилиш бўйича Ташкилотнинг ўзидаги амалий қадамлар 1997 йилда ўша вақтдаги Бош котиб Кофи Аннанинг Ташкилотни ислоҳ қилиш пакетини тақдим этиши билан бошланди. У БМТнинг бутун тизимида яхшироқ бошқариш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини янада кучайтириш ва тинчликни сақлаш операцияларини кучайтириш кун тартибидан белгилаб берди.

Бош котиб Кофи Аннан ислохотлар ва уларни амалиётга олиб чиқиш режасини 2000 йил БМТ Мингйиллик саммитида “Биз одамлар. Йигирма биринчи асрда БМТнинг ўрни” мавзусида сўзлаган нутқида халқаро ҳажамиятга тақдим этди. Унинг фикрича, БМТфаолиятини ислоҳ этишда БМТнинг асосий қудратли томонларини аниқлаш, Ўзгаришлар мақсадида тармоқлар ташкил этиш, Рақамлар боғланишлар яратиш, “Сокин инқилоб” илгари суриш [1;64-74] каби тўрт омилга эътибор қаратиш лозим. Шундан сўнг, 2005 йил март ойида К. Аннан ўзининг кенг қамровли ислохотлар ва сиёсат дастурини тақдим этди. Унинг “Катта эркинликда” [17] номли ҳисоботида терроризм, тараққиётни молиялаштириш, Хавфсизлик кенгашини кенгайтириш ва Инсон ҳуқуқлари комиссиясини алмаштириш каби масалалар кўриб чиқилди [7;6].

Бош котиб Кофи Аннан Ташкилотга аъзо давлатлардан ислохотлар бўйича таклифларни расмий ва очик қабул қилишга эътибор қаратди. 2005 йил сентябрь ойида Бош Ассамблеянинг 60-сессияси олдидан Мингйиллик+5 саммити учун ўз вақтида консенсусга келишга чақирди. АҚШда фаолият олиб борадиган “Глобал бошқарув форуми” маълумотларига кўра Кофи Аннанинг сўнгги ҳаракатлари бошқарув ислохоти атрофида бўлди [11]. У 2006 йил март ойида БМТ ходимлари ва кўплаб аъзо давлатлар томонидан мунозараларга сабаб бўлган “Бирлашган Миллатлар Ташкилотига сармоя киритиш” [5] номли ҳисоботини эълон қилди. Таклифлар аутсорсинг ва Бош котибга Бош Ассамблея билан маслаҳатлашмасдан бюджетларни ўзгартириш ва дастурларни ёпиш учун янги ваколатларни ўз ичига олган эди.

Бироқ таъкидлаш керакки, БМТ Бош Котиби Кофи Аннанинг бир неча маротаба илгари сурилган ислохотлар пакети халқаро ҳамжамият томонидан турлича қабул қилинди. Уни қўллаб-қувватловчилар билан бир қаторда қарши турувчи мамлакатлар ҳам бор эди. Шунинг учун ҳам бу ислохотлар халқаро кучга ва аҳамиятга эга бўлган халқаро ҳужжат сифатида тасдиқланмади.

БМТ ислохотлари зарурати ва муаммолари дунё сиёсатшунослари ва олимлари эътиборини тобора жалб қилиб, ташкилотни янгилаш борасида бир қатор таклиф ва ташаббусларни илгари суришга ундамоқда [2]. БМТ ислохотлари тўғрисида фикр юритганда, унинг муаммоли жиҳатларини жуда кўп. Хусусан, ташкилот ислохотлари бўйича илгари сурилаётган таклифлар кўп ҳолларда бир-бирига қарама-қарши билдирилади.

БМТ бошқаруви сиёсати, вакиллик тенглиги, қарорларни ижро этиш қобилияти ва мафкуравий тарафқашлик каби турли сабабларга кўра танқид қилинади. Хусусан, БМТ фаолиятига асосан фалсафий ва ахлоқий танқидлар (*ахлоқий релятивизм, миллий суверенитетга таҳдид, аҳоли назорати ва аборт атрофидаги баҳслар*), маъмурий танқидлар (*БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзолик, вето ҳуқуқи, БМТнинг демократик характери, кўп бўлимли тизим, Коррупция, нодемократик давлатларнинг роли бўйича баҳслар*), самарадорлик танқидлари, дипломатик ва сиёсий танқидлар (*можароларнинг олдини олишнинг иложли йўқлиги, урушларни тўхтатиш, Араб-Исроил можароси, Антисионизм ва антисемитизм, Фаластин масаласи, Шри-Ланкадаги фуқаролар уруши, Тайванни тан олиш*), низоларни танқид қилиш (*озиқ-овқат хавфсизлиги, денгиз ва ерэкотизимларини асраш, нефт дастури низолари, болалар меҳнати, жинсий зўравонлик жинсий хилма хиллик масалалари, турли эпидемиялар тарқалиши масалалари*) юзасидан танқидий ёндашувлар мавжуд.

Халқаро муносабатларда неореализм (*neorealism*) йўналиши вакиллари фикрича, давлатларнинг асосий мақсади ўз хавфсизлигини таъминлаш, шунинг учун улар ҳеч қачон халқаро ташкилотларга ўз манфаатларини тўлиқ ишонишмайди ва бунга ҳаракат ҳам қилишмайди. БМТ фаолиятининг самарадорлиги давлатларнинг хоҳиши ва қобилиятларига, аъзолик бадалларининг ўз вақтида тўланиши ва метценатлик билан боғлиқ. Неореалистлар БМТни ислоҳ қилиш мумкин эмаслигини таъкидлашади, чунки унинг асосида давлатлар ўртасидаги кучлар мувозанати ётади. Уларнинг таъкидлашича, БМТ муносабатларни тартибга солишга қодир эмас ва катта давлатларнинг таъсири остидадир. Хусусан, америкалик дипломат ва сиёсатчи Генри Киссинджерга кўра БМТни хавфсизлик масалаларида кудратли давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилиши керак. Чунки, БМТнинг қарорларини катта давлатлар (Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари) бошқаради. Улар ўзларининг манфаатларига мос қарорлар қабул қилишга интилишади, бу эса БМТ фаолиятини чеклайди. БМТнинг ҳуқуқий мажбурий кучи чекланган, йирик акторларнинг розилигисиз ҳеч қандай муҳим қарор қабул қила олмайди, бу эса унинг таъсирини пасайтиради. Киссинджер БМТнинг халқаро муносабатларни ўзгартириш қобилиятига шубҳа билан қарайди. БМТ асосан фақатгина катта давлатлар ўртасидаги келишувларни таъминлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Г. Киссинджернинг БМТга нисбатан танқиди реалистик ёндашув билан боғлиқ, бу халқаро муносабатларда давлатларнинг манфаатлари биринчи ўринда туради, БМТ глобал акторларнинг қарорлари ва таъсири билан боғлиқ бўлиб, у ҳеч қачон йирик давлатларнинг манфаатларидан ташқари ҳаракат қила олмаслигига ишора қилади [6;432].

Бундан ташқари халқаро муносабатларда танқидий реализм (*offensive realism*) йўналишида америкалик сиёсатшунос Жон Миршаймер фикрича, БМТ халқаро муносабатларни ўзгартириш учун етарли кучга эга эмас ва унинг фаолияти катта давлатларнинг манфаатлари билан боғлиқ. БМТнинг қарорлари мажбурий кучга эга эмас ва уларни бажариш учун куч қўллаш имконияти йўқ, шунинг учун БМТнинг таъсири чекланган. Унинг танқидлари халқаро сиёсатда реалистик ёндашувнинг асосий жиҳатларини кўрсатиб беради [8].

Прагматик реализм (*Pragmatic realism*) вакилларида ҳисобланган Збигнеб Бжезинский ўзининг Америка ҳукмронлиги ва унинг геостратегик императивлари тўғрисидаги “Буюк шахмат тахтаси” асарида янги дунё тартиботида етакчи мамлакатлар устунлигини ошқора тасдиқлашга ҳаракат қилади. Дунёнинг сиёсий манзарасини жаҳоннинг етакчи мамлакатлари, НАТО каби ҳарбий блокларни бошқаради, БМТ каби ташкилотларга аҳамият қаратмайди ҳам. БМТ халқаро муносабатларни мувофиқлаштирувчи, давлатлар ўртасидаги айрим масалаларда воситачи ҳисобланган расмий халқаро ташкилот ҳолос. З. Бжезинский ҳатто БМТ тизимидаги иқтисодий ташкилотлар хусусан, “Халқаро валюта фонди (ХВФ) ва Бутунжаҳон банки бутун дунёда жуда кучли таъсир доирасига эга бўлиб, бугун унинг мижожларини барча қитъаларда учратиш мумкин. Аслида бу ташкилотларда Америка асосий рол ўйнайди, барча бошламалар ва лойиҳалар бошида америкаликлар туришади. Бу 1944 йилда Бреттон Вудсда бўлиб ўтган таъсис конференциясида белгилаб қўйилган эди” [13;41], деб халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ ва унинг муассасалари фаолияти ҳам АҚШ сиёсатига ҳамоҳанг эканлигини очиқдан-очиқ

таъкидлайди.

Неолиберализм (*neoliberalism*) йўналишида мураккаб ўзаро боғлиқлик назариясини ишлаб чиққан америкалик сиёсатшунос, халқаро масалалар бўйича етакчи эксперт Жозеф Най ҳам З. Бжезинский қарашларининг давоми сифатида “Халқаро валюта фонди, Жаҳон савдо ташкилоти ва БМТ каби йирик тузулмалар АҚШ сиёсатининг юмшоқ кучини ошириш мақсадида ташкил топди” [16;37], деб таъкидлайди. Унинг фикрича, БМТ “юмшоқ куч”дан фойдаланиш учун етарли имкониятларга эга эмас, БМТ “юмшоқ куч”дан фойдаланиш орқали тинчликни сақлашда кўпроқ роль ўйнаши мумкин. Жумладан, Жозеф Найнинг таъкидлашича, “БМТ жаҳон сиёстидаги легитимликнинг ягона манбаи эмас, лекин унинг универсаллиги, қонунчилик базаси ва нисбий жозибadorлиги унинг резолюциялари ва баёнотларига сезиларли даражада қонунийликни беради. БМТ обрўси ва шунингдек, унинг юмшоқ кучи ўзгарувчан сиёсий воқеаларга мойил” [16;186]. Унинг фикрича, БМТнинг жозибadorлиги ва юмшоқ куч ресурслари вақт ўтиши билан ўзгариб туради ҳамда БМТ халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва глобал муаммоларни ҳал қилишда “юмшоқ куч”дан фойдаланиш имкониятларига эга бўлиши учун қўллаб-қувватлашга муҳтождир.

Жаҳон сиёстида икки ва кўптомонлма муносабатларда реализм йўналишининг таниқли вакилларида бири Самуэл Хантингтон назариясига кўра халқаро муносабатларда маданиятлар тўқнашувининг аҳамияти мавжуд ва БМТ ушбу тўқнашувларни ҳал қилишда аҳамиятли роль ўйнай олмайди. Хантингтон фикрича, БМТнинг глобализация жараёни устидан назорат қила олмаслигини ва унинг таъсири чекланган. У БМТнинг фаолиятида АҚШнинг роли муҳимлигини инкор этмайди, аксинча унинг фикрича, “кўп цивилизацияли Қўшма Штатлар бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотидир” [19;531].

БМТ таниқидчилари қатори халқаро миқёсда унинг фаолияти самарадорлигини эътироф этувчи тадқиқотчилар ҳам мавжуд. Жумладан, қашшоқлик, камбағаллик, оналар ва болалар ўлими, экологик ва демография муаммолари ва уларнинг ечими ҳақида фактдорлик назарияси муаллифи Ханс Рослинг фикрича, БМТ ва унинг Жаҳон банки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа ташкилотларининг тадқиқотларга асосланган фактлари дунёда юқоридаги каби муаммоларни ҳал этишда асосий востилардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ташкилотлар томонидан аниқланадиган турли соҳаларга оид фактлар давлатларга тақдим этилиш натижасида ҳукуматлар томонидан мазкур муаммолар ечимига ҳаракатлар қилинмоқда [18;334]. Барча танқидчилар БМТни замон талабларига мос равишда ислоҳ қилиш ва бу борада жаҳон мамлакатлари ва давлатлари ўзаро консенсусга боришлари муҳимлигини қайд этишадилар.

Таъкидлаш керакки, БМТ ислоҳотлари ҳақида сўз борганда Хавфсизлик Кенгашини қайта ислоҳ қилиш масаласи биринчи ўринда туради [10;153]. Кўпчилик сиёсатшунослар, экспертлар ҳамда олимлар Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилишда унинг аъзолари сонини ошириш лозим деб ҳисобласалар, айримлар уни тубдан ислоҳ этиш тарафдоридирлар. Замонавий дунё тартиботида БМТ Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилиш масаласи ниҳоятда долзарблашди. Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилиш масаласи юзасидан ўзига хос низоларлар ва қарама-қаршиликлар вужудга келди. Шунинг учун ҳам жаҳон жамоатчилиги БМТ Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилиш борасида янги концепцияларни ишлаб чиқмоқда ва илгари сурмоқда [14;23].

Тарихий жиҳатдан таҳлил қилинса, БМТ ташкил топган вақтда ташкилотга 51 та, 2015 йил ҳолатига кўра эса унга 193 давлатлар аъзо. 1965 йил БМТ Низомига ўзгартиришлар сабабли Хавфсизлик Кенгаши муваққат аъзолари ўн бир нафардан ўн беш нафарга оширилди бироқ доимий аъзолари эса шу вақтга қадар ўз ҳолича турибди. 80 йил давомида ташкилотга аъзо мамлакатлар 142 тага кўпайган бўлса, Хавфсизлик Кенгаши муваққат аъзолари 4 нафарга кўпайди, доимий аъзолар сони эса ўз ҳолича “бешлик давлатлари” (АҚШ, Россия, Хитой, Франция, Буюк Британия) бўлиб қолаверди. Бу эса ўз навбатида Хавфсизлик Кенгашида динамик ривожланиш йўқлигини кўрсатди. БМТ ташкил топган 1945 йилдан 2025 йилгача саксон йил мобайнида жаҳон сиёсатининг энг муҳим жараёнлари шу давлат иштирокида БМТда ҳал қилинди.

БМТ ислоҳотлари жараёнида 2010 йилдан бошлаб БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолигига жаҳонда тўрт давлат Германия, Япония, Ҳиндистон, Бразилия [15;4] ҳамда Жанубий Африка давлатларининг кўпроқ даъвогарлик қилиши кузатилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Германия ва Япония давлатлари ҳар жиҳатдан муносиб номзодлардир. Чунки, бу икки давлатлар ҳам жаҳон сиёсатида ўз ўрнига ва салоҳиятига эга, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан барқарор давлатлар сифатида маълум. БМТ фаолиятидаги тенглик эса Африка қитъасидан ҳам вакил давлатларнинг Хавфсизлик кенгашида ишитроқ этишини талаб қилади. Шу ўринда, Жанубий Африка мамлакатининг ҳам ушбу кенгашга даъвогарлик қилишга асослари етарлидир. Хавфсизлик Кенгашига бу давлатларнинг доимий аъзолиги эса ташкилотнинг айрим давлатлар таъсирига тушиб қолишига тўсқинлик қилади, БМТнинг нуфузини янада оширишга хизмат қилади. Шунингдек, Хавфсизлик Кенгаши фаолиятида “ўрта кучлар” ёки “ўрта давлатлар” манфаатлари ҳам инобатга олиниши мақсадга мувофиқ.

БМТ ислоҳотлари тўғрисида фикр юритганда унинг эътибордан биров четда қолаётган жиҳатларига ҳам эътибор бериш лозим. Бу бевосита БМТ Низоми билан боғлиқ. БМТнинг турли тузулмалари хусусан, Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилиш ҳам бевестида Низомга ўзгартириш киритиш орқали амалга оширилади. Шунинг учун энг аввало бизнингча, БМТ ислоҳотларини Ташкилот Низомига ўзгартириш киритиш, уни замон талабларига, янги дунё тартиботларига мослаш талаб этилади.

БМТ Низоми жаҳон сиёсатида боғлиқ равишда унверсал ҳужжат, бироқ бундан 80 йил олдин кучга кирган бу ҳужжат назаримизда ХХI асрга келиб айрим ўзгаришларни талаб қилмоқда. Низом кучга кирган 1945 йилдаги сиёсий ҳолатга мослаб киритилган 26, 45, 46, 47-моддаларида “ҳарбий штаб кўмитаси” тушунчаси таъкидланган. Бу тушунча ўз даврида Иккинчи жаҳон уруши шароитида ғолиб давлатларнинг мағлуб давлатлар устидан халқаро суд билан боғлиқ бўлган. Бироқ ҳозир замонавий дунё сиёсатида бу тушунча том маънода ўз аҳамиятни йўқотган ҳамда шундан келиб чиққан ҳолда Низомдан ушбу тушунчани олиб ташлаш мақсадга мувофиқ. БМТ Низомининг 53 ва 107-моддаларида “душман давлатлар” тушунчаси ҳам қайд этилган. Бу тушунча Низом ишлаб чиқилганда Иккинчи жаҳон уруши сабабчилари ва айбдорлари ҳисобланган давлатларга нисбатан ишлатилган. Бинобарин, ҳозирги кунда бу тушунчани бирор бир давлатга нисбатан ишлатиб бўлмаслигини эътиборга олиш лозим.

БМТ ислоҳотлари бўйича қарашлар, таклифлар ва ёндашувлар давр нуқтаи назаридан такомиллашайиб бораверди. Жумладан, 2024 йил 10 сентябр куни БМТ Бош Ассамблеясининг 79-сессияси доирасида БМТ Бош Котиби Антонио Гутерриш ташаббуси билан “Келажак саммити” бўлиб ўтди. Ушбу саммитда жаҳон етакчилари барча учун яхши келажакни таъминлаш бўйича янги халқаро консенсус яратиш учун бирлашдилар ва “Келажак пактини” [9] қабул қилишди.

“Келажак пакти”да Хавфсизлик кенгашини ислоҳ қилиш ҳақида фикр билдирилган. БМТ Бош Котиби фикрича, “ХХI аср муаммолари ХХI аср ечимларини талаб қилади. БМТ Низоми кадриятларидан келиб чиққан ҳолда глобал институтларни янада қонуний, адолатли ва самаралироқ қилиш учун чуқур ислоҳотларни кўриб чиқиш лозим. Бутун дунёда тенгсизликка қарши курашиш, дея давом этди у, халқаро молия архитектураси ва глобал институтларни ислоҳ қилишни жадаллаштиришни талаб қилади. БМТ Хавфсизлик Кенгаши Иккинчи жаҳон уруши ғолиблари томонидан тузилган. Африканинг катта қисми ҳали ҳам мустамлакачилик остида эди. Бугунги кунга қадар Африка дунёдаги энг муҳим глобал кенгашда доимий ўринга эга эмас. Бу ўзгариши керак [12], деб таъкидлади Бош Котиб Антониу Гутерриш.

Саммит доирасида Туркия БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолигига интилоқда, бироқ бу натижасиз қолмоқда. Туркия нашрларининг изоҳ беришича, бунинг сабаби 5 та доимий аъзонинг бунга рози бўлмаслигидир [3]. Кўриниб турибдики, жаҳон сиёсатида пайдо бўлган янги акторлар ҳам БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолиги учун ҳаракат бошлаган.

4. Хулосалар. Айрим илмий ва ижтимоий доираларда [4] БМТ ўз фаолиятини тўлиқ бажара олмаётганлиги сабабли уни тугатиш масаласи ҳақида ҳам фикрлар билдирилади.

Бирок таъкидлаш керакки, жаҳон сиёсатида глобаллашув тобор авж олгани сари халқаро барқарорликка таҳдидлар ҳам кучайиб бормоқда, дунёда низо ва урушлар авж олмоқда. Бирок ушбу рушулар ва низоларни ҳам қайсидир маънода янада авж олиб кетмаслиги ҳамда йирик урушларга айланиб кетмасилигининг сабаби БМТнинг халқаро ҳуқуқий нормаларига боғлиқдир. Бунда низолашаётган томонлар урушларни янада авж олдирмаслик учун БМТ Низоми ва бошқа халқаро ҳужжатларга асосан “тийилиб туриш” позициясига амал қилишга мажбур бўлмоқда. Замонавий дунёда ҳақаларо тинчлик ва барқарорликнинг кафолати жуда оз бўлсада маълум даражада амалда. Демак, БМТнинг тугатилиши тинчликнинг тугашига олиб келади, халқаро муносабатларда, жаҳон сиёсатида ўзига хос тартибга солиш жуда мураккаб кечадиган хаосни вужудга келтиради. Шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш керакки, БМТ тизими ва фаолиятини эвалюцион тарзда модернизация ёки трансформация қилиш мақсадга мувофиқ.

БМТни ислоҳ қилиш ташкилотнинг нуфузини оширишга ва дунёда тинчлик ва барқарорликни қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эгаллигини эътиборга олган ҳолда БМТ ташаббуси билан ташкилот ислоҳотлари муаммоларига бағишланган махсус халқаро конференцияни ташкил этиш, унда билдирилган таклифларни таҳлил этадиган ҳолда олимлар ва экспертлар гуруҳи фикрлари асосида уларни амалиётга тадбиқ этиш масаланинг энг мақбул йўлидир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Annan K. “We the peoples” the role of the United Nations in the 21st century. – New York: 2000. – P. 67-74.
2. Emad Mayer-Mruwat. United Nations: critiques and reforms. *Journal of Third World Studies*. 1998. Vol. XV, No. 1. – P. 221; David Shorr. *United Nations Reform in Context*. – The Stanley Foundation. – New York. 2006. –P. 16; Solomon, A. *United Nations reform and supporting the rule of law in post-conflict societies*. *Harvard human rights journal*, Vol. 19. 2006. Vijay Mehta. *Reforming the UN for the 21st Century* // Scotland. Edinburgh. 2008. P. 8; Заемский В.Ф. Кому нужна реформа ООН. В интересах всех и каждого. Москва: *Международное отношения*, 2010. 296 с; Robert Swope. *The Reform of United Nations Peace Support Operations in the New Millennium*. United States. Peace operations Training institute. August 28. 2011. – P. 83.
3. Erdoğan: Türkiye olarak BM'ye daimi üye olma gayreti içindeyiz // <https://www.trthaber.com/haber/gundem/erdogan-turkiye-olarak-bmye-daimi-uye-olma-gayreti-icindegiz-879675.html>
4. Gardiner N. *The Decline and Fall of the United Nations: Why the U.N. Has Failed and How it Needs to be Reformed*. *Macalester International* Vol. 19. Summer 2007. 35-60 p; Pap A. *Конец ООН близок? Что может добить главную международную организацию*. Сайт *Аргументы и факты*. *Аргументы и Факты*", https://aif.ru/politics/world/konec_oon_blizok_chno_mozhet_dobit_glavnuyu_mezhdunarod_nuyu_organizaciyu
5. *Investing in the United Nations for a stronger Organization worldwide: detailed report Updated terms of reference for the Independent Audit Advisory Committee*. Report of the Advisory Committee on Administrative and Budgetary Questions. Sixty-first session Agenda items 116, 117, 122, 123 and 132. A/61/825.
6. Kissinger Henry. *World order. Reflections on the Character of Nations and the Course of History*. USA. New York. 2014. Penguin Books. 432 p
7. Martens J. “In Larger Freedom “The Report of the UN Secretary-General for the Millennium+5 Summit 2005. *Fredrich Ebert Stiftung*. Briefing Paper. Berlin. April. 2005. – P. 6.
8. Mearsheimer John J. *The Great Delusion: Liberal Dreams and International Realities*. USA. Yale University Press. 2018. 328 pp; Mearsheimer John J. *Great power rivalries: the case*

- for realism. *Le Monde diplomatique*. August. 2023. // <https://mondediplo.com/2023/08/02great-powers>
9. Pact for the Future. Summit of the Future Outcome Document. UN Resolution 79/1: A/RES/79/1. // <https://www.un.org/sites/un2.un.org/files/sof-the-pact-for-the-future.pdf>
 10. Russett Bruce. Security Council Expansion: Can't, and Shouldn't // *Reforming the United Nations for Peace and Security. Proceedings of a Workshop to Analyze the Report of the High-level Panel on Threats, Challenges, and Change*. Yale Center for the Study of Globalization. – New Haven: 2005. – P. 153.
 11. Secretary General Kofi Annan's Reform Agenda - 1997 to 2006 // <https://archive.globalpolicy.org/reform/initiatives/annanindex.htm>
 12. Secretary-General's remarks at the opening of the Summit of the Future's Action Days [bilingual as delivered, scroll down for all-English and all-French] // <https://www.un.org/sg/en/content/sg/statement/2024-09-21/secretary-generals-remarks-the-opening-of-the-summit-of-the-futures-action-days-bilingual-delivered-scroll-down-for-all-english-and-all-french>
 13. Бжезинский З. Буюк шахмат тахтаси. Америка ҳукумронлиги ва унинг геостратегик императивлари. – Тошкент: 2022. – Б. 41.
 14. Голованов Е. Проблема соотношения универсальной и региональных систем безопасности и реформа Совета Безопасности ООН. Автореф. дисс. канд. полит. наук. – Санкт-Петербург. 2013. 23 с.
 15. Злоказова Н. Реформа Совета Безопасности ООН: основные сценарии и проблемы. // - Москва: Вестник Всероссийской государственной налоговой академии. 2008. № 2. – С. 4.
 16. Най Ж. Юмшоқ куч. Жаҳон сиёсатида муваффақиятга эришиш воситалари. – Тошкент: 2023. – Б. 37.
 17. При большей свободе: к развитию, безопасности и правам человека для всех Доклад Генерального секретаря. Пятьдесят девятая сессия Пункты 45 и 55 повестки дня. A/59/2005.
 18. Рослинг Х., Рослинг О., Рослинг А. Factfulness (Фактдорлик). – Тошкент: As saxiy books. 2023. – 334 б.
 19. Хантингтон Э. Ф. Цивилизациялар тўқнашуви ва янги дунё тартиби. – Тошкент: Янги аср авлод. 2023. – Б. 531.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 5 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 7, НОМЕР 5

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 7, ISSUE 5

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000